

ЭРИХ ФРОММ ИЖТИМОЙ-ЭКЗИСТЕНЦИАЛ КОНЦЕПЦИЯСИДА ПСИХОАНАЛИЗМ ВА НЕОМАРКСИЗМ ТАҲЛИЛИ

Иномжон Абобакир ўғли АСАТУЛЛОЕВ

доцент

фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Эрих Фромм ижтимоий-экзистенциал концепциясида руҳият таҳлили фалсафаси ва неомарксизм таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, мутафаккирнинг экзистенциал фалсафасида руҳият таҳлили фалсафаси ва неомарксизм назариялари уйғунлаштирилганлиги очиб берилган.

Таянч сўзлар: экзистенция, неомарксизм, жон, рух, рухий қувват, инсон қалби, маънавий-руҳий олам, руҳият, руҳият таҳлили фалсафаси.

АНАЛИЗ ПСИХОАНАЛИЗА И НЕОМАРКСИЗМА В СОЦИАЛЬНО- ЭКЗИСТЕНЦИАЛЬНОЙ КОНЦЕПЦИИ ЭРИХА ФРОММА

Иномжон Абобакир углы АСАТУЛЛОЕВ

доцент

доктор философии (PhD) по философским наукам

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется социально-экзистенциальная концепция психоаналитической философии и неомарксизма Эриха Фромма. Также выявлено, что экзистенциальная философия мыслителя сочетает в себе философию психоанализа и теории неомарксизма.

Ключевые слова: бытие, неомарксизм, душа, дух, духовная сила, человеческое сердце, духовно-психологический мир, психика, философия психоанализа.

Эрих Фромм ижтимоий-экзистенциал концепцияси ривожда руҳият таҳлили фалсафаси ва неомарксизм катта таъсир кўрсатган. Мутафаккир ўзининг экзистенциал фалсафасида руҳият таҳлили фалсафаси ва неомарксизм назариялари уйғунлаштирилади. Бундай уйғунликни Фроммнинг “Озодликдан қочиш” ва “Карл Маркста инсон концепцияси” номли асарларида кўриш мумкин. Бу икки мутлақо ҳар хил таълимотни қандай қилиб бирлаштириш мумкин, деган савол туғилади. Бунда асосий муаммо – бу марксизмни қандай талқин қилиш кераклигидир.

Карл Маркснинг таълимоти оммалашганидан бери, узоқ вақт давомида у сиёсий иқтисод сифатида қаралган ва фақат унинг “Капитал” номли фундаментал асари контекстида талқин қилинган, унинг асосини буржуа сиёсий иқтисодини танқид қилиш ташкил этган. Кейинчалик бу талқин классик талқин деб ҳисоблана бошлади. Бироқ, XX асрнинг биринчи ярмида Европада марксистик тафаккурнинг янги йўналиши шакллана бошлади, кейинчалик у неомарксистик йўналиш деб номланди.

Неомарксизм – Карл Маркс позициясини фалсафий англанишидир. Зеро, неомарксизм назариётчилари орасида файласуфлар устунлик қилади. Неомарксизм ҳақида гап кетганда, одатда Франкфурт мактабининг Биринчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги фаолияти назарда тутилади. Неомарксизм ходиса сифатида илгарироқ пайдо бўлган ва Дюрдь Лукач, Антонио Грамши каби кўзга кўринган арбобларнинг номлари билан боғлиқ бўлган. Лукач ўзининг “Тарих ва синфий онг” номли асарида илк бор Маркснинг гуманистик қарашларига эътибор қаратган. Унинг тушунишида, Маркс таълимоти нафақат сиёсий ва иқтисодий таркибий қисмларга эга, Лукач уларни иккинчи даражали деб ҳисоблаган. У Маркс диалектикасига эътибор қаратган, унинг таълимотининг фалсафий жиҳатларини, шунингдек, Гегелнинг катта таъсирини таъкидлаган. Маркснинг бундай талқин қилишнинг асосини субъект ва объект ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилиш ташкил қилади. Асосий ғоя идеализм ва субъективизмни енгиш, субъект ва объект, борлиқ ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатишга интилишга қаратилган” [2]. Шундай қилиб, Лукач биринчи бўлиб асосий ғояси субъект ва объект ўртасидаги диалектик муносабатлар бўлган Марксни ўрганишга фалсафий ёндашувни белгилаб берди.

Неомарксистик фикрнинг кейинги ривожланиши Франкфурт ижтимоий тадқиқотлар институти ва унинг негизида ташкил топган “Франкфурт мактаби” фаолияти билан боғлиқ. 1933 йилда Макс Хоркхаймер унинг раҳбари бўлганидан кейин институт неомарксистик йўналишга оғишни бошлайди. Марксистик тадқиқотларнинг ривожланишида 1932 йилда

Москвада “1844 йилдаги иқтисодий-фалсафий қўлёзмалар”нинг нашр этилиши катта рол ўйнади, бу қўлёзмалар кўп жиҳатдан илк Маркснинг гуманистик қарашларини акс эттиради. Бу асар 1932 йилда нашр этилган унинг “Немис мафкураси” номли яна бир илк асари билан биргаликда неомарксизмнинг асосий таянчига айланган ва марксистлар муҳотида бўлинишга олиб келган. Бироқ, бу мавзу бўйича жиддий муҳокамалар ва тадқиқотлар Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланган.

Франкфурт мактаби тадқиқот ва таҳлилининг асосий мавзуси буржуа капиталистик тузум доирасида инсонни эзиш, унга зулм ўтказиш муаммоси бўлган. Бироқ, Маркс ўзининг бегоналашув концепциясини яратиб, тизим инсонга қандай таъсир қилишига жуда юзаки кўрсатган. Фромм ва Франкфурт мактаби Маркснинг инсон концепциясида психологизм йўқлигига эътибор берганлар. Айнан мана шу нарса неомарксизмнинг, хусусан, Франкфуртдаги ижтимоий тадқиқотлар институти фаолларининг Фрейднинг руҳият таҳлили фалсафасига мурожаат қилишига сабаб бўлган. Шунинг таъкидлаш кераки, Фрейднинг неомарксистик тафаккур доирасида мослашуви ўртача чекланган таъсирдан (Хоркхаймер, Адорно) ушбу таълимотини синтез қилишга уринишларгача (Фромм, Маркузе) кўп қиррали характерга эга эди.

Эрих Фромм томонидан марксизмнинг руҳият таҳлили фалсафасига мослаштиришини кўриб чиқиш ва таҳлил қилишдан олдин шунинг таъкидлаш кераки, Фромм бу икки таълимотни синтез қилишга ҳаракат қилганлар ичида биринчилардан бўлмаган. Биринчи фрейд-марксчилардан бири австриялик-америкалик психолог Вилгельм Райх бўлган. У биринчи бўлиб бу таълимотларнинг иккаласи ҳам материалистик, диалектик ва инқилобий хусусиятни акс эттиришини таъкидлайди. Унинг фикрича, биринчидан, руҳият таҳлили фалсафаси марксизм каби материалистик таълимотдир, чунки иккала таълимот ҳам инсонлар хулқ-атворини ҳаётий эҳтиёжлар ва майл-ҳаваслар билан изоҳлайди. Иккинчидан, руҳият таҳлили фалсафаси кўп жиҳатдан мураккаб ва зиддиятлидир. Учинчидан, ҳар икки мутафаккир

буржуа тузумини турли позициялардан туриб бўлсада танқид қилган. У руҳият таҳлили фалсафаси ва Маркснинг ижтимоий фалсафаси асосида жинсий иқтисод деб аталадиган назарияни яратди. Унинг фикрича, бирига қўшиб бўлмайдиган бу икки таълимотни умумий тарихий давр ва ижтимоий воқеликни шахс ва у яшайдиган буржуа тузumi ўртасидаги зиддият сифатидаги умумий тушунча бирлаштиради. Райхнинг фикрича, “Ҳар иккала таълимот ҳам инсоннинг табиий ҳаётини эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ва шахснинг ҳақиқий эркинлигини асосий мақсад қилиб қўйган” [1].

Вилгельм Райх Фрейднинг либидо ва руҳий энергия ҳақидаги асосий психоаналитик концепцияларини асос қилиб олади. У либидо назариясини кейинги Фрейд руҳида ишлаб чиқади, унда биосексуал қувватни универсал ҳаёт энергияси сифатида кўриб чиқади. Бунда у жисмоний ва руҳий қониқишни ушбу энергия фаолиятида алоҳида рол ўйнади, деб ҳисоблаган. Жинсий қувватнинг турғунлиги ва унинг бостирилиши инсон психикасига деструктив таъсир кўрсатади ва неврозларни келтириб чиқаради. “У” ни (онгсизликни) озод қилиш жамият учун деструктив характерга эга, деб ҳисоблаган Фрейддан фарқли ўлароқ, Райх онгсизликни ижобий ва ижодий элемент деб ҳисоблади. Кейинчалик бу қарашлар Маркузе фалсафасида ва модификация қилинган кўринишда Фроммнинг ижтимоий-экзистенциал концепциясида ўз аксини топди. Шундай қилиб, Райх учун жинсий энергияни озод қилиш – жамиятни даволаш учун зарурат эканлигини ифодалайди. Кейинчалик Фромм сингари, Райх деструктивлик – инсонга хос психик тузилишдир деган ғояни рад этади. У тажовузни иккиламчи нарса, жамият таъсирида шаклини ўзгартирган бирламчи биологик майл-ҳаваслар деб ҳисоблайди [4]. Райх ижтимоий-маданий омиллар таъсирида юзага келадиган ҳимоя психологик механизмлар ғоясини ривожлантирган. Шу тарзда у Фроммнинг ижтимоий характер назариясини бошқалардан олдин пайқаган. Шундай қилиб, Райх ўз концепциясида психоанализ ва ижтимоий назарияни биргаликда ривожлантириш йўналишини белгилаб берган, деб айтиш

мумкин. Кейинчалик бу йўналиш Герберт Маркузе томонидан ривожлантирилади, у ҳам Фрейднинг асосий тамойилларини ўзгартирмасдан руҳият таҳлили ва марксизмни синтез қилган. Райх Фроммга ҳам шубҳасиз таъсир кўрсатган. Бироқ, унда руҳият таҳлили ва марксизмнинг ўзаро таъсири неофрейдизм доирасида ривожлантирилади. Бунга, шубҳасиз, турли хил ижтимоий-психологик ва фалсафий ғояларнинг симбиози таъсир қилади.

Фроммнинг ўзи таъкидлаганидек, унинг фалсафий қарашларининг шаклланишида Фрейд ва Маркс алоҳида рол ўйнаган. Бу икки назариянинг синтези кўп жиҳатдан унинг фалсафасининг асосини ташкил қилган. Ушбу жараённинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу таълимотлар жиддий фарқларга эга. Маркс тарихий жараён ва ижтимоий тараққиётни ўрганиш билан шуғулланган бўлса, Фрейднинг тадқиқотлари асосан шахс психологиясига бағишланган. Фромм инсон борлигининг ўзига хослигини инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар контекстида тушунтирмоқчи бўлган. Ва бу муаммони ҳал қилиш учун, унинг фикрича, Маркснинг ижтимоий таълимоти ва Фрейднинг руҳият таҳлили фалсафаси кўпроқ мос келган.

Фромм таъкидлашича, уларнинг қарашлари XX асрнинг назарий асосига айланди. Иккаласи ҳам инсон воқелигининг тизимлаштирилган конструкцияларини яратдилар. У бу икки таълимотни синтез қилишга ва шу орқали иккаласининг барча афзалликларини бирлаштириб, камчиликларини бартараф этадиган янги фалсафий назария яратишга ҳаракат қилган. У психик ва маънавий йўналиш олишнинг янги шакллари ишлаб чиқмоқчи эди. Бу муаммони ҳал қилишда, Фромм фикрича, марксизм ва фрейдизм бир-бирини яхши тўлдиради. Фромм ижтимоий муносабатлар ва ҳодисаларнинг назарий тадқиқотларини олиб бориб, ижтимоий тараққиётнинг асослари, қонуниятлари ҳамда инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларни тушунишга ҳаракат қилган. Фромм ўз изланишлари ҳақида шундай ёзган эди: “Мени индивидуал ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги саволлар қийнар эди, уларга жавоб топишни истар эдим. Мен уларни ҳам Фрейд, ҳам Маркс таълимотларида топдим” [5].

Фикримизча, озодликка интилиш иқтисодий либерализм, сиёсий демократия, динни давлатдан ажратиш ва шахсий ҳаётдаги индивидуализм жараёнларининг ривожланиб боришида ўз ифодасини топди. Ушбу ғояларнинг амалга ошиши инсониятнинг озодликка эришувига ва кейинчалик эркинликни суиистеъмол қилишига олиб келди. Яъни, Фромм илгари сурган ғоянинг моҳияти шундаки, инсон руҳиятининг зўриқиши, психик касалликлар фақатгина табиий эҳтиёжларнинг қондирилишига боғлиқ бўлмай, жамият яратган ижтимоий эҳтиёжларни ҳам ўрни бекиёс эканлиги эди.

Аслида, Эрих Фроммнинг экзистенциал фалсафаси инсоннинг мавжудлиги, озодлиги ва ижтимоий муҳитдаги ўрни ҳақида ёндашувларни камраб олади. Унинг экзистенциал фалсафасида инсон ҳаётининг моҳияти универсал тушунчалар орқали изоҳланади. У инсонни ижодкор ва озодликка интилувчи сифатида кўради. Унинг фикрича, инсон амалга ошириш, ўзини англаш ва ўз ҳаётини маъно билан тўлдириш учун курашади. Ушбу курашда инсон ўзининг ички эҳтиёжлари, истаклари ва жамият томонидан белгиланган талаблар орасидаги зиддиятларни енгитиш керак. Фроммнинг фикрича, инсонлар жамиятда яшаш жараёнида икки хил ҳолатга дуч келишади: бир томондан, улар ўзларининг шахсий хусусиятлари ва эҳтиёжларини ривожлантиришга интилса, бошқа томондан эса жамият томонидан белгиланган нормаларга итоат қилишлари талаб этилади. Бу зиддият уларни экзистенциал ҳолатга олиб келиши мумкин.

Мутафаккирга кўра, озодлик – бу фақатгина ташқи чегараларни енгитиш эмас, балки ички чегараларни ҳам енгитишдир. Инсон ўзининг ички қўрқувларини, комплексларини аниқлаб, улардан ҳоли бўлиши керак. Бундай ҳолатда инсоният ҳақиқий озодликка эришиши мумкин. Ушбу экзистенциал ёндашув Фроммнинг “севги” концепциясидан келиб чиқади. Севги – бу бошқа одамларга нисбатан эҳтиром ва ҳурмат ҳиссини билдиришдир. Фромм севгини нафақат романтик муносабатларда, балки биродарлик, беғараз ижтимоий муносабатларда ҳам кўради. Севги орқали инсон ўзини қўллаб-

қувватлаши ва жамият билан интеграцияланиши мумкин. Шу тариқа, Эрих Фроммнинг экзистенциал фалсафаси инсоннинг шахсий ривожланиши, озодлиги ва муҳаббат орқали жамият билан муносабатлари ҳақида терен фикр юритади. Унга кўра, инсоният ўзининг ички дунёсини англаб етиш орқали ҳаётдан ҳақиқий маъно топа олади.

Эрих Фроммнинг ижтимоий фалсафий қарашларида инсондаги психик бузилишлар (невроз) ва умуман, инсоннинг руҳий ривожланиши ижтимоий муҳитга боғлиқлигини, кенг маънода жамиятнинг ҳаракатга келиши ва олға ривожланиши психологик омилларга боғлиқ эканлигини асослаш етакчи ўрин эгаллади. У ижтимоий-тарихий жараёнда инсон омилнинг амал қилиш қонуниятларини ўрганар экан, “ижтимоий жараёнда психологик омиллар фаол куч сифатида муҳим роль ўйнайди, деган ғояни илгари сурди. Шунингдек, психологик, иқтисодий ва мафкуравий омиллар ўзаро таъсирининг энг умумий муаммолари инсон омили билан боғлиқлигини ва улар ижтимоий ривожланишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Эрих Фроммнинг таъкидлашича, ижтимоий жараён динамикасини тушунмоқ учун инсон ички оламидаги психик жараёнлар динамикасини тушуниш зарур ва аксинча, индивидни тушунмоқ учун уни шакллантирадиган маданиятни ўрганиш муҳимдир.

Инсоннинг моҳияти муаммоси кўп асрлар давомида фалсафа ва ижтимоий фанларда муҳим ўрин эгаллаб келди. Бу муаммо турли тарихий даврларда турлича талқин этилди. Чунки тарихий тараққиёт давомида ижтимоий шароит ҳам, инсон ҳам ўзгарди. Инсон моҳиятини тушунтиришга қаратилган илмий ва фалсафий таълимотларни умумлаштириб, инсон моҳиятини билишга икки хил: 1) субстанционал ва; 2) релятивистик ёндашув мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин. Ҳар қандай илмий назария асосига ҳам инсон муаммоси, ҳам тарихий жараён динамикаси муаммоси қўйилар экан, назариётчи Ғарб фалсафаси учун анъанавий бўлган “ё жамият инсонни шакллантиради ёки инсон жамиятни белгилайди” деган антиномияни четлаб ўтолмас эди. Эрих Фромм инсон моҳиятини субстанционал ва релятивистик

изоҳлаш бирёқлама эканлигини, инсон моҳиятини бундай талқин этиш инсоннинг ижтимоий фаоллиги ва ижтимоий ижодкорлигининг ҳақиқий манбаларини билишга имкон бермаслигини таъкидлаб: “инсон табиий биологик қайд этилган ички инстинктлар йиғиндиси эмас, айти вақтда инсон хотиржам мослашадиган маданиятнинг жонсиз сояси ҳам эмас, -деб ёзади. Унинг фикрича, тарихий жараёнда психологик омилнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш учун шахснинг ижтимоий-психологик концепциясини яратиш лозим. Ана шу ғоя Фромм ижтимоий фалсафасида етакчи ўрин эгаллади.

Инсон моҳиятини билиш учун марксизм ва фрейдизмга хос бирёқламаликни бартараф этишда Эрих Фромм инсон ҳаёти учун хос бўлган ички зиддиятларни билиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Шахс муаммосини билишга бундай ёндашиш “на биологик, на социологик” бирёқламаликка йўл қўймайди.

Эрих Фромм инсонга хос асосий эҳтирос ва истакларнинг бош манбаи инсон ҳаёти батафсил шарт-шароитлар эканлигини кўрсатар экан, Фрейдга зид равишда инсонга хос эҳтиёжларнинг бош манбаи биологик жараёнлар эмас, инсоннинг энг гўзал ва жирканч майллари табиат берган ўзгармас биологик қисм маҳсули ҳам эмас, балки инсоннинг ўзи яратган ижтимоий жараён натижасидир деб ёзди. Унинг фикрича, жамият фақат салбий, жазоловчи функцияни эмас, балки “ижобий” функцияни ҳам бажаради: “инсон табиати, унинг эҳтирос ва кўрқувлари маданият маҳсулидир. Инсоннинг ўзи доимий инсоний саъй-ҳаракатларнинг муҳим ютуғи бўлиб, биз ана шу йўлни тарих деб атаймиз.

Хулоса қилганда, ушбу таълимотлар ёрдамида у шахс ва жамият ўртасидаги ижтимоий-психик (рухий) ўзаро таъсирнинг қонунларини тушунтиришни истар эди. Ушбу мақсадларга эришиш учун иккала таълимотни пухта таҳлил қилиш ва қайта англаш ҳамда бир-бирига туташ нуқталарини топиш керак эди. Уларда шахс муаммоси марказда турганлиги,

Фроммнинг фикрича, ушбу назарияларни бирлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бороненкова Я.С. Психоаналитическая социальная философия: монография [Электронный ресурс]. URL: https://bookap.info/book/boronenkova_psihoanaliticheskaya_sotsialnaya_filosofiya/gl3.shtm (дата обращения 22.08.2020)
2. Лукач Г. История и классовое сознание. Исследование по марксистской диалектике. – Москва: Логос-Альтера, 2003.
3. Рузматова Г. Рухият таҳлили фалсафаси. – Тошкент: Нишон-ношир, 2014.
4. Тарасов К.Е., Кельнер М.С. Фрейдомарксизм о человеке. – Москва: Мысль, 1989.
5. Фромм Э. Революция надежды. Избавление от иллюзий. – Москва: Айрис-пресс, 2005.
6. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. – Москва: Республика, 1994.
7. Фромм Э. Бегство от свободы. – Москва: Прогресс, 1990.